

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Иқтисодиёт факультети

КУРС ИШИ

**Мавзу: Миллий валюта конвертациясини
таъминлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Бажарди: 2-курс талабаси У.Рахимов

Қабул қилди: кат.ўқит. Ш.И.Рахманов

Тошкент-2013

РЕЖА

Кириш	3
1. Жаҳон валюта тизими: тушунчаси турлари ва унга таъсир қилувчи омиллар	5
2. Валюта конвертациясига ўтишнинг жаҳон амалиёти	13
3. Ўзбекистон Республикаси замонавий валюта сиёсати	28
Хулоса	36
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	38

Кириш

Бозор иқтисодиётида монетар сиёсат умумий макроиқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Давлат пул-кредит секторининг ҳолати миллий хўжаликлари фаолияти эффективлигини таъминлашда аҳамиятли омили бўлиб келади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида монетар сиёсатнинг ўрни тобора ошиб боради ва бу Собиқ иттифоқ мамлакатлари мустақилликга эришгандан сўнг ўз миллий валютасини жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш зарурияти билан боғлиқ. Унинг самарадорлиги ривожланишнинг муайян босқичларида сиёсатни ўтказиш метод ва воситалари танловига боғлиқ. Бундан ташқари, пул тизимидаги у ёки бу модел истемол даражаси, таклиф ўсиши рағбатлари ва валюта қийматида тўғридан-тўғри таъсир этади. Айнан шу нарса мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Макроиқтисодий барқарорлик бир қатор кўрсаткичларга боғлиқ. Уларни амалга ошириш умуман тескари характерга эга ва бу мақсадларни боғлашимиз ҳамда уларга эришиш методларини турли тарафдан тартибга солиб туриш зарур.

Бундан ташқари, қаттиқ чеклов сиёсатини ўтказа туриб иқтисодий ўсишга салбий таъсир этиш мумкин. Бу инфляция, бандлик, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг тахлили муҳимлигини белгилаб беради.

Монетар сиёсат давлат умумий иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. У макроиқтисодий сиёсат мақсадларини амалга оширишда фаол катнашади.

Монетар сиёсат пул-кредит соҳасига, пул массаси хажмига, инфляция даражасига, тўлов қобилияти ва конвертирланишга таъсир этувчи асосий воситалари, мақсади, вазифаларини аниқлаштиради.

Пул-кредит назоратида иккита концепция Фарқланади, кейнсиан ва монетар. Кейнсиан назариясида монетар сиёсатга иккинчи даражали ўрин берилган ва кунлик пуллар сиёсати тавсия этилар эди. Монетаристлар пул сиёсати бу артибга солишнинг асосий воситаси ва пул массаси билан

манипуляция қилиш керак эмас, яъни эгилувчан монетар сиёсатни олиб бориш керак эмас деб хисолашади.

Монетар сиёсатнинг аниқ бир йўналишини танлаш давлатнинг мақсади, ички шароит ва ташқи омилларга боғлиқ. Ўзбекистонда монетар сиёсат монетаристик концепцияга яқинрок ва ўзига пул массасини ушлаб туриш элементини киритади.

Сўм конвертирланиши бир неча босқичлардан ўтади, ва жорий операциялар бўйича конвертирланиш даражасини ҳукумат белгилайди. Турли хил чекловларни бекор қилиш жорий операциялар бўйича нафақат ички, балки ташқи конвертирланишда шароитлар яратади. Бу эса миллий валютага ташқи талабга боғлиқ. У миллий иқтисодий мустахкамлаш, ташқи савдо ўсиши даражаси меъёри бўйича шаклланади.

1. Жаҳон валюта тизими: тушунчаси турлари ва унга таъсир қилувчи омиллар

Валюта – жаҳон бозорида, давлатлар ўртасида пул вазифаларини бажарувчи давлатларнинг миллий пул бирликлари. Масалан, Америка Қўшма Штатлари “доллари”, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, Япон “иенаси” ва бошқа шу кабилар.

Муайян бир давлатнинг миллий пули – унинг миллий валютаси бўлади. Шу давлат учун бошқа давлатларнинг миллий пул бирликлари эса – хорижий валюталардир. Масалан, АҚШ “доллари”, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, Япония “иенаси”, Туркия “лира”си ва шу каби эркин муомалада юрадиган валюталар Ўзбекистон Республикасида хорижий валюта бўлади, ўз навбатида, Ўзбекистон “сўм”и ушбу давлатлар учун хорижий валюта бўлиб ҳисобланади.

Хорижий валюта билан девиз тушунчаси боғлиқдир. Девиз – бу хорижий валютадаги ҳар қандай восита.

Валюталар жаҳон бозорида ўзларининг муомалада бўлиш хусусиятларига кўра эркин муомалада юрадиган, муомаласи қисман ёки бутунлай чекланган, ёпиқ валюталарга бўлинади. Баъзи бир давлатларнинг миллий пул бирликларини мазкур давлатларда валюта муносабатлари борасида мавжуд ва ҳаракатда бўлган қонун-қоидаларига асосан хорижга чиқиши ҳамда у ерда муомалада бўлиши чегараланади.

Халқаро валюта муносабатлари моддий ишлаб чиқариш жараёни, яъни бирламчи ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнларига алоқадор бўлган халқаро иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Халқаро валюта муносабатлари – валюталарнинг жаҳон хўжалигидаги ҳаракати натижасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси.

Халқаро валюта муносабатлари такрор ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи ҳисобланади, чунки ишлаб чиқарилган товарларни экспорт-импорт қилиш натижасида халқаро валюта муносабатлари юзага келади. Тарихан,

халқаро савдонинг юзага келиши халқаро валюта муносабатларини юзага келтирган бирламчи омил бўлди. Аммо халқаро валюта муносабатлари такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичига – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолга бевосита фаол таъсир кўрсатади.

Валюта муносабатлари ва такрор ишлаб чиқариш ўртасида бевосита (тўғридан-тўғри ҳамда тескари) алоқалар мавжуд. Уларнинг объектив асоси бўлиб товарлар, капиталлар, хизматлар билан халқаро алмашувни вужудга келтирувчи ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Валюта муносабатларининг шаклланиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишининг ҳуқуқий асослари бўлиб халқаро келишувлар ва ички давлат конун-қоидалари ҳисобланади.

Валюта муносабатлари нисбатан мустақил муносабатлар бўлган ҳолда тўлов баланси, валюта курси, ҳисоб-китоб операциялари орқали жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари сифатида халқаро молиявий ташкилотлар, мамлакатлар, мамлакатларнинг резидент ва норезидент шахслари майдонга чиқади.

Резидент шахс – муайян давлат ҳудудида яшаётган ва шу давлат фуқароси бўлган ҳамда мазкур давлат ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик ёки жисмоний шахс.

Норезидент шахс – муайян давлат ҳудудида яшаб фаолият кўрсатаётган, бироқ шу давлат фуқароси бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс. Масалан, элчихоналар, ваколатхоналар, чет эл фирма ва корхоналарнинг бўлинмалари шулар жумласидандир.

Халқаро валюта муносабатларини юзага келтирувчи асослар қуйидагилардир:

- товарлар экспорти ва импортининг мавжудлиги;
- хизматлар экспорти ва импортининг мавжудлиги;
- халқаро кредитларнинг жаҳон айланмасидаги ҳаракати;
- капиталларнинг жаҳон айланмасидаги ҳаракати;

– нотижорат тўловларнинг мавжудлиги (хорижий давлатларда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш ва сақлаш, хорижий давлатларнинг ҳудудида ҳарбий қисмлар сақлаш, туризм, спорт, маданий тадбирлар билан боғлиқ бўлган хорижий валютадаги тўловлар).

Валюта тизими деб, халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклига айтилади. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат шакли дейилишига сабаб шуки, **миллий валюта тизими** ҳар бир мамлакатда давлат томонидан ташкил этилади ва тартибга солинади. **Жаҳон валюта тизими** эса, давлатлараро келишувларга асосан ташкил топади. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий шакли дейилишининг боиси шундаки, валюта тизими бўйича қабул қилинган қонунлар, халқаро қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бажариш халқаро муносабатларнинг барча субъектлари учун мажбурийдир. Масалан, Ямайкада қабул қилинган тўртинчи жаҳон валюта тизимининг талабига асосан, олтиндан давлатлар ўртасида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланди.

Валюта тизимининг уч асосий тури мавжуд:

1. Миллий валюта тизими.
2. Минтақавий валюта тизими
3. Жаҳон валюта тизими.

Миллий валюта тизими – бир мамлакат ҳудудида халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли. Миллий валюта тизими минтақавий ва жаҳон валюта тизимларининг юзага келиши учун асос вазифасини ўтайди. Миллий валюта тизимининг ривожланганлиги мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Минтақавий валюта тизими маълум бир минтақада жойлашган давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида тузилган шартномага асосан шаклланади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақавий валюта тизими билан жаҳон валюта тизими ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда мушкул. Бунинг сабаби шундаки, айрим минтақавий валюта тизимлари аллақачон жаҳон валюта тизими талаблари даражасида фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон валюта тизими – бу давлатлар ўртасидаги халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли бўлиб, давлатлараро келишувлар асосида юзага келади.

Миллий валюта тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- миллий валюта;
- миллий валютанинг алмашилиш шарти;
- миллий валютанинг паритети;
- миллий валюта курсининг режими;
- мамлакатда валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидлилигини миллий миқёсда тартибга солиш;
- халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;
- мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини белгилаш;
- миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими.

Жаҳон валюта тизими, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро валюта муносабатларини давлатлар ўртасида ташкил қилиш шаклидир.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида тўрт босқични босиб ўтди ва улар қуйидаги халқаро валюта тизимларини ўзида мужассамлаштиради:

1. Париж валюта тизими;
2. Генуэз валюта тизими;
3. Бреттон-вудс валюта тизими;
4. Ямайка валюта тизими.

Биринчи жаҳон валюта тизими 1867 йилда Парижда бўлиб ўтган давлатлараро келишув натижасида ташкил топди. Ушбу тизимда олтин-монета стандарти, яъни давлатлар ўртасидаги алоқаларда тўлов воситаси сифатида фақат олтиндан фойдаланиш жорий этилди.

Биринчи жаҳон уруши даврида юзага келган иқтисодий инқироз натижасида биринчи жаҳон валюта тизими барҳам топди ва унинг ўрнига **иккинчи жаҳон валюта тизими** юзага келди. Мазкур тизим **1922 йилда Италиянинг Генуя** шаҳрида бўлиб ўтган давлатлараро келишувнинг натижаси бўлди. **Учинчи жаҳон валюта тизимида** олтин-девиз стандарти жорий қилинди. Бунинг маъноси шуки, давлатлараро муносабатларда олтин билан бирга 30 та мамлакатнинг миллий валюталари халқаро тўлов воситаси сифатида эътироф этилди. Аммо ҳақиқатда Англиянинг фунт стерлинги ва олтин халқаро тўлов воситасига айланди.

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, Биринчи жаҳон уруши оқибатида фунт стерлинг Европадаги бошқа валюталарга нисбатан оз миқдорда қадрсизланди, иккинчидан, XX асрнинг 20-йилларига келиб жаҳон савдосининг 60 фоиздан ортиқ қисми Англия банклари томонидан фунт стерлингда молиялаштирилар эди, учинчидан, Англия очиқ иқтисодиётга эга бўлиб, шу сабабли, Англия билан савдо-сотиқ қилиш осон эди, ўз навбатида, Англиядан товар сотиб олиш учун бошқа давлатларга фунт стерлинг керак эди, уни топиш учун эса, Англияга товар сотиш зарур эди.

1944 йилнинг 22 июнида АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида учинчи жаҳон валюта тизимига асос солинди. Мазкур тизимда эришилган муҳим натижалар қуйидагилардан иборат:

- АҚШ доллари ва Англия фунт стерлингига расман жаҳоннинг захира валюталари деган мақом берилди;
- миллий валюта курсининг олтин паритетдан тебраниш чегараси манфий 1% дан мусбат 1% гача бўлган оралиқ сифатида белгилаб қўйилди;
- АҚШ долларидаги захираларни олтинга алмаштириш қатъий белгиланган баҳода амалга оширилди, яъни 1 унция олтин 35 долларга алмаштириладиган бўлди;
- ХВФ давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солувчи орган сифатида ташкил этилди.

XX асрнинг 70-йилларида АҚШ доллари курсининг кескин тебрана бошлаганлиги доллардан захира валюта сифатида фойдаланаётган давлатларнинг норозилигига сабаб бўлди. Натижада, АҚШ долларида қочиш тенденцияси пайдо бўлди. Бундан ташқари, долларнинг олтинга алмаштирилиши натижасида АҚШ олтин захиралари миқдорининг кескин камайиши юз берди. Юқорида қайд этилган сабаблар АҚШ долларининг гегемонлигига асосланган учинчи жаҳон валюта тизимининг емирилишига ва тўртинчи жаҳон валюта тизимининг юзага келишига сабаб бўлди. Айниқса, АҚШнинг Вьетнамда олиб борган узоқ йиллик уруши натижасида Давлат бюджетининг дефицити миқдори кескин ўсди. Бу эса, доллар курсининг кескин тебраниши учун жиддий асос бўлди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизими Ямайка давлатининг Кингстон шаҳрида, 1976 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган давлатлараро келишув натижасида юзага келди ва 1978 йилнинг апрелида ратификация қилинди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

- олтинни демонетизация қилиш расман тугалланди;
- қатъий белгиланган курслар режими бекор қилинди;
- олтин-девиз стандарти СДР стандарти билан алмаштирилди;
- ХВФнинг валюта муносабатларини эркинлаштиришга кўмаклашишини кучайтириш белгиланди.

Жаҳон валюта тизимининг элементлари:

- захира валюталар, халқаро ҳисоб бирликлари — захира валюталар сифатида АҚШ доллари, евро, Буюк Британия фунт стерлинги ва Япония иенаси тан олинади. Халқаро ҳисоб бирлиги сифатида СДРни кўрсатиш мумкин. СДР валюта саватида 2006-2010 йилларда АҚШ долларининг улуши 44,0% ни, евронинг улуши 34,0% ни, фунт стерлингнинг улуши 11,0% ни, иенанинг улуши эса 11,0% ни ташкил этгани ҳолда, ушбу таркиб 2011-2015 йилларда 41,9, 37,4, 11,3 ва 9,4 нисбатда бўлиши кутилмоқда (1.1-жадвал);

СДР валюта савати таркибида миллий валюталар улуши¹

Валюталар	2006-2010 йй.	2011-2015 йй.
АҚШ доллари	44	41,9
Евро	34	37,4
Фунт стерлинг	11	11,3
Япон иенаси	11	9,4

– валюталарни ўзаро конвертациялаш шартлари – фақат ички конвертацияга эга бўлган валюталар, ички ва ташқи конвертацияга эга бўлган валюталар;

– валюта паритетларининг умумлаштирилган режимлари – валюта паритетлари миллий валюталарнинг харид қобилиятини етакчи валюталардан бирининг тўлов қобилиятига нисбатан ҳисоблаш кенг қўлланмоқда;

– валюта курси режимларини тартибга солиш – қатъий белгиланган курслар режими барҳам топди ва давлатларга эркин сузиш режимидан фойдаланиш тавсия этилди;

– валютавий чеклашларни давлатлараро тартибга солиш – ХВФ жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларини олиб ташлашни талаб қилади;

– халқаро валютавий ликвидликни давлатлараро тартибга солиш – халқаро валютавий ликвидлиги паст бўлган давлатларга ХВФ имтиёзли кредитлар бермади ва уларга техник ёрдам кўрсатади;

– халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган тартиби – халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган тартиби халқаро Женева конвенциялари, аккредитив ва инкассо бўйича умумлаштирилган қоидаларда ўз ифодасини топган;

– халқаро ҳисоб-китоб шакллари умумлаштириш – халқаро ҳисоб-китоб шакллари икки йирик гуруҳга бўлинади: соф тўловлар ва ҳужжатлаштирилган

¹ Красавина Л.Н. Тенденции развития международных валютных отношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньги и кредит, №11, 2011. С. 20.

тўловлар;

– халқаро валюта ва олтин бозорларининг режими – халқаро валюта ва олтин бозорлари валютавий чеклашлар мавжуд бўлмаган давлатларда жойлашган ва уларда эркин савдо амалга оширилади;

– валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар – ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро ҳисоб-китоблар банки бу соҳада нуфузли халқаро ташкилотлар ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизимида олтин узоқ вақт мобайнида муҳим ўрин эгаллаб келган. Замонавий жаҳон валюта тизимининг асосий хусусиятларидан бири – бу олтиннинг тўлиқ демонитаризациясидир. Шунга қарамасдан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида олтин халқаро валюта бозорларига ва валюта тизимларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Ямайка жаҳон валюта тизимида олтинни демонетизация қилиш жараёни ниҳоясига етказилди. Бунинг маъноси шуки, олтиндан халқаро тўлов воситаси сифатида тўғридан-тўғри фойдаланиш тақиқланди. Олтинни жаҳон олтин бозорларида сотиш ва ундан тушган валюта тушуми ҳисобидан мажбуриятларни бажаришга рухсат берилди. Аммо бу билан олтинга бўлган талаб йўқолмади. Олтин ўзининг ноёб металл сифатидаги, жозибадор жамғарма воситаси сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Олтин ижтимоий бойликни моддийлаштириш воситаси бўлиб қолаверди, жумладан, иқтисодий инқирозлар шароитида олтинга бўлган талаб кучаяди ва олтин жуда йирик миқдорда сотиб олинади. Олтиннинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятини тавсифловчи муҳим жиҳатлардан яна бири – унинг халқаро кредитлар учун юқори ликвидли гаров объекти эканлигидир. Бундан ташқари, олтин марказий банкларнинг асосий активларидан бири ҳисобланади ва муомаладаги пул массасини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Таҳлиллар, етакчи ривожланган мамлакатларда олтиннинг расмий мамлакат олтин-валюта захираларидаги улуши 70% дан кам эмаслигини кўрсатмоқда (1.2-жадвал).

2000–2011 йилларда олтин баҳосининг тебраниш даражаси сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, олтиндан халқаро валюта муносабатларида фойдаланишда сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, олтиндан халқаро кредит беришда гаров сифатида фойдаланилганда, олтинни сотишдан олинган тушум унинг баҳоси тушиб кетиши натижасида, кредитни ва унга ҳисобланган фоизни қоплашга етмаслиги мумкин.

1.2-жадвал

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида олтин захиралари, 2011 йил²

Мамлакат	Олтин захиралар ҳажми, тонна	Мамлакат расмий олтин- валюта захираларидаги улуши, %
АҚШ	8133,5	75,4
Германия	3401	72,7
Италия	2451,8	72,4
Франция	2435,4	68,2
Хитой	1054,1	1,6
Швейцария	1040,1	17,3
Россия	841,1	8,2
Япония	765,2	3,5
Жами	30707,1	...

Хулоса қилиб айтганда, **олтинни демонетизация қилиш жараёни** тугалланган бўлса-да, олтин халқаро валюта муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда ва ўзининг ижтимоий бойликни моддийлаштириш объекти сифатидаги жозибadorлигини сақлаб қолди.

2. Валюта конвертациясига ўтишнинг жаҳон амалиёти

Валюта сиёсатини бир шакли сифатида даврли равишда валюта

² Ўша манба. С. 19.

чекловлари ишлатилади – резидент ва норезидентларнинг валюта ва бошқа валюта қимматликлар билан операцияларни қонуний ёки административ таъқиқлаш, чеклаш ва қонунлаштириш. Бу валюта қонунчилигини резидент ва норезидентларининг валюта операцияларини текширишни йўли билан таъминлайдиган валюта операциялари назоратининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Валюта назорати жараёнида валюта чеклашда лицензия ва рухсатномаларининг мавжудлиги, резидентлар томонидан хорижий валютани сотишда талабларга риоя қилаётганлиги, валюта операциялар бўйича ҳисоботнинг сифати текширилади. Валюта чекловида валюта назорат функциялари асосан Марказий Банкга юклатилади, айрим мамлакатларда эса махсус органлар ташкил этади.

Валюта чекловлари валюта сиёсатининг турлиликдан келиб чиқиб қуйидаги максдларни кўзлайди:

- 1) тўлов балансини тенглаштириш;
- 2) валюта курсини ушлаб туриш;
- 3) жорий ва стратегик вазифаларни ечиш учун давлат қўлида валюта қимматликларни жамлаш.

Валюта чекловлари қимматликлари кичик ва ўрта тадбиркорлари ҳисобидан уларга хорижий валютага йўлларни кийинлаштириб, давлат ва йирик корхоналар ҳисобига валюта қимматликларини қайта таксимлагнлиги учун дискриминатив характери билан Фарқланиб туради. Шунинг учун монополлашмаган сектор уларнинг киритилишига қарши чиқади. Валюта чекловлари асосан протекционистик сиёсат ва савдо ҳамкорлар дискриминциясининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилишида сиёсий мотивлар ҳам ахамиятли ўринни эгаллайди.

Иккинчи жаҳон уруши давомида ва ундан кейин Буюк Британия стерлинг зонаси мамлакатларининг хорижий валюта (асосан инглиз) сақланган банк ҳисоб ракамларини тўсиб қўйди. Бу ҳисоблардаги воситалар фақатгина шу валюта гуруҳлари ўртасида ишлатилиши мумкин эди. Инглиз-Эрон нефт компаниясининг миллийлаштирилиши билан 50-йиллар бошида

Англия Банки Эрон учун фунт стерлингни долларга алмаштирувини тўхтатди ва Италия ва Японияга бу давлат билан фунт стерлингга ҳисоб юритмаслигини тавсия қилди. 1956 йил Сувайш каналининг миллийлаштирилишига жавобан Буюк Британия, АҚШ ва Франция банклари Мисрга нисбатан унинг валюта ҳисобини музлатиб, валюта блокадасини эълон қилишади.

1971 йил Чили ҳукумати тепасига Халқ бирлиги ҳукуматининг келишидан сўнг Америка банклари хориж валютасидаги барча Чили авуарларини тўсиб қўйишади ва кредит блокадасини эълон қилишади. Америка-Эрон низоси даври 1979 йил ноябр ойида америкалик гаровга олинганларни озод қилишни талаб этиб, кейинчалик мамлакат иқтисодиётини бузиш мақсадида АҚШ антиамерика сиёсатини юргизаётган Эронга қарши эрон банк авуарларини (12млрд. доллар) тўсиб қўяди ва айрим қарз битимларини бекор қилади.

1986 йил январ ойида АҚШ ҳукумати Ливияга мамлакатни мустақил ташқи валюта сиёсатини юргизишдан воз кечиш ва Вашингтоннинг бўйсунушга мажбур қилиш мақсадида унинг барча Америка банк ва уларнинг филиаллари валюта активларини музлатиб, валюта блокадасини эълон қилади. Макаода Шимолий Корея банк ҳисобларидан валюта блокадаси яқиндагина олинди, шу билан бирга агар МАГАТЭ талабларини бажармаган тақдирда Эронга нисбатан ҳам валюта чекловлари ўрнатилиши режалаштирилмоқда.

Валюта чекловлари қуйидагиларни кўзда тўтади:

- 1) Халқаро тўловлар ва ўтказмалар, экспорт тушуми, фойдаси репатриациялаш, олтин, пул белгилари ва қимматли қоғозлар ҳаракатини назорат қилиш;
- 2) хорижий валюта эркин олиб-сотувини таъқиқлаш;
- 3) давлат қўлида хорижий ва бошқа валюта қимматликларни жамлаш. Улар сирасига яна тўлов ҳужжатлари (чеклар, вексел, аккредитивлар ва х.к.), хорижий валютада белгиланган қимматли қоғозлар, қимматбаҳо

металлар киради.

Шу билан боғлиқ ҳолда валюта чекловларини таркибини аниқлаб берувчи қуйидаги тамойиллар фарқланади:

- марказий ва ваколатга эга банкларда валюта операцияларининг марказлашуви;
- валюта операцияларини лицензиялаш;
- валюта ҳисобларини тўлиқ ёки қисман тўсиб қўйиш;
- валюта алмашинувини чеклаш.

Тегишли равишда валюта ҳисобининг турли хил категорияларини киритиш: эркин конвертирланиши, ички, икки томонли ҳукумат келишувларига биноан, клиринг, тўсиб қўйилган ва х.к.

Валюта чекловлари соҳалари фарқланади: тўлов балансининг жорий баланси ва молиявий операциялар бўйича.

Валюта чекловларининг шакллари уларнинг таркиби ва структурасини кўрсатади, қўллаш соҳаси бўйича фарқланади. Жорий операциялар бўйича тўлов балансида қуйидаги шакллар ишлатилади:

- берилган давлатда товарлар сотувидан хорижий экспортёрлар тушумини тўсиш, бу воситалардан фойдаланиш имкониятини чеклаш;
- экспортёрларнинг валюта тушумини тўлиқ ёки қисман марказий банк валюта лицензиясига эга марказий ёки ваколатли банкларга мажбурий сотиш;
- импортёрларга (фақатгина валюта назорати органи рухсати мавжудлар) хорижий валюта чекланган сотуви. Айрим мамлакатларда импортёр импорт лицензиясини олиш учун банк депозитига маълум бир миқдорда миллий валюта қўйишга мажбур.
- импортёрларга хорижий валютани форвард усулида сотувига чеклов;
- хорижда миллий валютада товар сотувини таъқиқлаш;
- айрим товарлар импортини хорижий валютада тўловини таъқиқлаш;
- экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларини назорат қилиш;
- валюта курсларининг кўплиги – турли хил операциялар, товар гуруҳи ва

регионлар нисбати бўйича валюта курси дифференцияси.

Илк бор валюта курси кўплилиги 1929-1933 йил жахон кризиси даврида, олтин монометаллизмининг бекор қилиниши ва валюта чекловларининг киритилишидан сўнг қуллана бошланди. Кўпгина валюта хисоблари тўсилганлиги ва улар ўртасидаги тасарруф этиш эркинлиги турлича бўлганлиги учун расмий валюта курсига чегирмалар (дисконт) 10 дан 90% орасида ўзгарган (Германияда).

Иккинчи жахон урушидан сўнг кўпгина давлатлар – ХВФ аъзолари унинг уставини бузилганлиги ҳолатида кўплик валюта курсини амалиётдан ўтказишди. 60-йил ўртасигача Туркияда миллий валютанинг кўтаришган расмий курси (1 АҚШ долл.-2,8 лира) билан бир қаторда бошқа дифференцияланган курслар қўлланилган: импортни ушлаб туриш мақсадида 9 лира; мис экспорти бўйича 4,9 лира; анъанавий товарлар экспортини рағбатлантириш мақсадида узум ва ёнгок экспорти бўйича 5,6 лира; бошқа товарларни чиқариш бўйича 9 лира.

Гарчи кўпгина саноати ривожланган давлатларда валютанинг конвертирланиши киритилгандан сўнг улар курси унификациялаштирилган бўлса ҳам, айрим давлатлар даврий равишда икки валюта бозори шаклида кўплилик валюта курси амалиётига қайтиб келмоқда.

Миллий валютанинг айрим товарлар ёки операциялар бўйича курсини кўтариш биринчи тартибли товарларга эҳтиёжни арзонлаштириш, бу валютадаги ташқи қарзларнинг реал тўловларини камайтириш, айрим товарлар экспортини камайтириш каби мақсадларни кўзлайди. Курсни пасайтириш эса қарама қарши мақсадларни кўзлайди. Курс фарқи эса расмий курсга нисбатан премия ёки чегирма сифатида изоҳланади. Шу билан бирга кўплилик валюта курси орқасида ҳақиқий девалвация яшириниб ётади (масалан, Туркияда 1979 йил июнда кўпзинали лира курсининг киритилиши ҳақиқатда унинг долларга нисбатан курсининг 43,6% тушишида кўрилди).

Импорт бўйича лицензион система товар олиб кириш имкониятини чеклайди. ХВФ барқарорлаштириш дастурларига киритилган кўплилик

валюта курсини бекор қилиш тавсияларига карамай, айрим ривожланаётган давлатлар миллий иқтисодиётни химоя қилиш мақсадида ишлатмоқда.

Хорижий валютани иқтисод қилиш мақсадида турист сифатида хорижга чиқиб кетаётган резидентлар учун унинг алмашинуви чекланади. Валюта чекловлари суғурта, лицензион тўловлар, гонорар, коммиссион тўловлар, фойда ва фоиз ўтказмалар ва бошқа “кўринмас” операциялар учун қўлланади. Валюта чекловларининг молиявий операциялар бўйича шакллари капитал ҳаракатини назорат қилиш йўналишига боғлиқ.

Пассив тўлов баланси ҳолатида олиб чиқиш ва капитал “қочиши”ни чеклаш, валюта курсини ушлаб туриш мақсадида капитал киришини рағбатлантириш борасида қуйидаги чоралар қўлланади:

- миллий ва хорижий валюта, олтин, қимматли қоғозлар олиб чиқишини, кредитлар ажратишни чегаралаш;
- кредит ва молия бозори фаолиятини назоратга олиш: назорат фақатгина молия вазирлиги рухсати ва хорижда берилаётган кредит ва тўғри инвестициялар ҳажми, хориж кредитининг миллий валюта бозори, ссуда капитали бозори ва муомалада пул массаси ўсишига таъсир этмаслиги учун олдиндан валюта назорати органларининг рухсати тўғрисида ахборотнинг етказиб берилишидан сўнг бажарилади;
- миллий банкларнинг хориж валютасидаги Халқаро қарзлар берилишида катнашишини чеклаш;
- резидентларга тегишли қимматли қоғозларни мажбурий тортиб олиш ва валюта сотиш;
- ташқи қарз тўловини тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ёки уни миллий валютада хорижга чиқармаслик ҳуқуқи билан тўлашга рухсат бериш. 30-йил жаҳон кризиси даврида 25 та мамлакат ташқи қарзлар бўйича тўловларни тўхтатиб қўйишди, Германия эса 1933 йил дан бошлаб стерлинг ва доллардаги қарзни немис маркаси билан тусилган ҳисоб ракамларга ҳамда тасарруф этиш ва хориж валютасига алмаштириш ҳуқуқсиз тўларди.

Актив тўлов баланси ҳолатида мамлакатга капитал кириб келишини ушлаб туриш, ва миллий валюта курсини кўтариш мақсадида молиявий операциялар бўйича қуйидаги валюта ва кредит чекловлари қўлланилади:

- янги хорижий мажбуриятларни марказий банкда фоизсиз ҳисобларда депонерлаш. 1978 йил ГФР да кредит муассасаларнинг марказий банкда сақланиши лозим бўлган минимал резервлари банкларнинг хориж инвестицияларининг 100% гача оширилган эди. Японияда бу меъёр 1978 йил март ойида мамлакатга доллар оқиб келишини тўхтатиш учун 50 дан 100% гача кўтарилиб, АҚШнинг долларни қўллаб қувватлаш дастурини эълон қилинганидан сўнг декабр ойида 50 % гача туширилади, 1979 йил февралдан эса 0,25% дан ташқари барчаси бекор қилинади;
- норезидентларнинг инвестициялари ва хорижликларга миллий қимматли қоғозлар сотувини таъқиқлаш. Норезидентларга қисқа муддатли швейцар қимматли қоғозлар сотуви Швейцарияда 1972-1974 йилда қисман, 1978 йил февралдан 1979 йил охиригача эса деярли тўлиқ таъқиқлаб қўйилади. Японияда эса норезидентларнинг иенадаги қисқа муддатли облигациялар сотиб олинишига таъқиқ 1978 йил мартда киритилади;
- марказий банкда хориж валютасидаги қарзларнинг мажбурий конверсияланиши (Швейцария амалиётида қўлланилган);
- тезкор омонатлар бўйича чет элликларга фоизларнинг миллий валютада тўланишини таъқиқлаш. Бундай таъқиқлаш Швейцарияда мамлакатдан евро-швейцар франки бозорига капитални қайта таксимлаш ҳамда миллий валюта курсини пасайтириш мақсадида 1974 йил ноябрдан 1980 йил феврал ойиларида амалда бўлган;
- миллий валютада норезидентларнинг омонатлари бўйича манфий фоиз ставкасини киритиш (йиллик 12 % дан 40% гача). Бунда фоизни омонатчи банкга ёки хориж валютасида омонатлар қўйилишидан манфаатдор банк давлат валюта муассасасига тўлайди. Бундай амалиёт капитал оқимини тўхтатиб туриш мақсадида Нидерландия, ГФР, Швейцарияда (1972-1979 йил) қўлланилган. Швейцарияда 1978 йил норезидентларнинг 5 млн.

Швейцария франкларидан ошувчи омонатларга “салбий” ставкалар фоизи кварталда 10% ни ташкил қиларди;

- мамлакатга валюта киритилишини чеклаш. Илк бор бу метод 1976-1977 йил Швейцарияда қўлланилган. Кейинчалик 1979 йил банк қонуни банкларга хорижликлар томонидан ижарага олинадиган сейфларда швейцар франки банкнотларини сақлаш, хорижлик мижозлар буйругига биноан уларнинг номига езилган катта миқдордаги чекларни ушлаш ман этилади;
- хорижликларга миллий валютани форвард усулида сотишни чеклаш;
- мажбурий депозитлар схемаси. Буч ора ГФР да 1972 йил март ойидан 1974 йил сентябр ойига қадар қўлланилган. Мамлакат ичидагига нисбатан фоиз ставкалари пастрок бўлган еврокредитлардан фойдаланадиган фирмалар жалб қилинган капиталнинг бир қисмини Немис федерал банкида фоизсиз ҳисобга қўйишлари мажбур қилинган.

Шундай қилиб, валюта чекловлари бир қатор ҳолатларда кредит ва савдо назорти билан ўзаро тукнашади. Унинг таъсир этиш воситалари хилма хил ва ноэффектив шакллари мамлакатнинг валюта-иқтисодий хусусияти ҳамда жаҳон бозоридаги рақобатдан келиб чиқиб, алмаштирилади.

Валюта чекловлари таъсири даражаси ва йўналиши бўйича уларнинг шакли ва айрим мамлакатлар валюта-иқтисодий ҳолати ҳамда умумий жаҳон иқтисодиётига боғлиқ ҳолда турлича Фарқланади. Айрим ҳолатларда, бу нархлар билан бир қаторда товарлар рақобатбардошлиги, етказиб бериш шартлари ва сотув сўнгидан кейинги хизмат сифатига таъсир этиш омилидир. Валюта чекловлари натижаси бу расмий валюта курсининг маълум бир курсда ушлаб туришдир. Аммо, эркин бозорда параллел, расмий курсга нисбатан баландрок хориж валютаси курси ўрнатилади, ноқонуний бозорда эса (“қора”) – ундан ҳам баландрок курс.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қаттиқ валюта чекловларига қарамай Ғарбий Европанинг бир қатор давлатларида уларнинг валюта курси тушиб кетади. Швейцария, ФРГ, Япония валюталари эса назоратга қарамай

кўтариларди. Швейцарияга капитал оқиб келинишини тўхтатиб туришнинг нисбатан фаол воситаси бўлиб норезидентларга Швейцария франкларини форвард сотуви, ҳамда уларнинг хисоблари бўйича манфий фоиз ставкалари чикди. Лекин манфий фоизларнинг Швейцариядаги хориж марказий банкларининг франклардаги хисобларига қўллаш ноэффektiv бўлади. Чунки швейцар франкининг Халқаро валюта ликвидлигидаги улуши катта эмас. ГФР да ссуда капитали бозори Швейцарияга нибатан очкрок бўлганлиги учун манфий фоиз ставкаларни қўллаш айтарли натижаларни бермади. 1978 йил да мажбурий резервлар меъёрини ГФР банкларининг хорижий мажбуриятлар 100% ўсишигача кўтариш хориж валюта оқимининг 1/3 қисмини тортиб олиш имкониятини берди.

Молиявий операциялар бўйича валюта чекловларнинг карама қаршилиги уларнинг “иссик” пуллар, капитал “қочиши” ва қисқа муддатли капиталнинг нормал оқимида бир хил таъсиридан таркиб топади.

Хорижга кетаётган туристлар учун миллий валюта алмашинувини чегаралаш валюта “қора” бозорида спекулятив операцияларни рағбатлантиради.

Валюта чековлари қисқа муддатли ижобий натижалар беради. Шу асосда, 1968 йил сентябр ойида валюта чекловини олиб ташлаш Франциядан 15 млрд. француз франки “қочиш” ини осонлаштирган бўлса, унинг қайта ўрнатилишидан сўнг капитал чиқиши тезда секинлашади ва қисқа муддатли капитал ҳаракати салдоси ижобий тус олади. Пировард натижада, валюта чекловлари умумий қилиб олганда ХИМ га, хусусан, экспорт ривожини кийиндаштириб салбий таъсир этади. Хорижий валютани қайтара олишига шубҳа билан қаровчи экспортёрлар валюта тушумини девиз банкларга ўзлари учун нафсиз миллий валютанинг расмий курсида қўйишдан қуйидаги усуллар билан бош тортишга ҳаракат қилишади:

- счет-фактуралар (икки томонли контракт)да нархларни яшириш;
- товарни валютаси берилишига мажбур бўлмаган учинчи давлатга сотиш;
- ўзининг хорижий валюта бўлимини ушлаб туриш зарурияти туфайли

давлатга экспортёр-фирманинг валюта тушумини бир қисмини бермаслик илтимосини асословчи адвокат хатлари;

- қимматли совга ёки хизмат кўринишидаги поралар орқали.

Валюта назорати органлари тегишли қонунчиликка риоя қилиш, нархлар, ҳисобларни қаттиқ кузатишади ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатида жарима ва санкциялар қўлланилади. Аммо кўпгина юридик ва жисмоний шахслар нафли контрагентни йўқотишдан кўра жарималарга тортилишни афзал кўришади. Валюта чекловларига қарамай давлат йирик фирмаларга бир қатор ён беришлар кўрсатади.

Валюта чекловлари, ҳақиқатда валюта алмашинувининг энг ижобий тамойилини бекор қилса ҳам, айрим давлатлар тўлов балансининг вақтинчалик тенглашишига ёрдам беради. Кўплик валюталарини қўллаш савдо ҳамкорлар айирмачилигини кучайтиради.

Жаҳон амалиётида валюта тўсиқларини олиб ташлашнинг объектив зарурияти валюта чекловини Халқаро назоратига ўтиш тенденцияларини келтириб чиқаради. Аммо бу омилга савдо ҳамкорларига қаратилган рақобат воситаси сифатида миллий протекционизм қарши туради.

Илк бор валюта чекловлари биринчи жаҳон уруши йилларида урушувчи давлатларда қулана бошланди. Иккинчи жаҳон уруши бошланилиши билан валюта чекловлари бутун дунёга тарқалиб кетди. Урушдан сўнг валюта чекловлари АҚШ, Швейцария, Канададагина мавжуд бўлмаган; айрим Лотин Американи давлатлари шу региондаги инвестициялардан тушган фойда ва капитални тўсиқсиз ўтказишдан манфаатдор АҚШ монополиялари сиқуви остида валюта операциялари эркинлигини сақлаб қолишди.

Урушдан сўнгги даврда валюта чекловларини ХВФ орқали назорати янгилик сифатида намоён бўлди. ХВФ уставига таянган ҳолда АҚШ иштирокчи-мамлакатлардан жорий операциялар бўйича валюта чекланишларини бекор қилишга ва валюта алмашилиши киритилишига эришди. Аммо уруш сўнгги талофатлари, тўлов баланси инкирози, валюта

резервларининг бушаб қолиши шароитида бу талаблар Япония ва Ғарбий Европа томонидан қаршиликларга учради. XIV моддада мамлакатда валюта чекловлари сақланиш муддати берилган. Бундан ташқари Фонд Устави мамлакатнинг нобарқарор иқтисодиёти шароитида капитал ҳаракати бўйича валюта чекловларини ўрнатиш эҳтимоллиги ва баъзи ҳолатларда эса мамлакатларнинг валюта чекловларини киритиш мажбурлиги кўриб чиқилган. Устига олиб, Фонддан кредит олиш имконияти тўлов балансини тенглаштариш мақсадида валюта чекловларни ишлатиш эффективлигига боғлиқ қилиб қўйилган. Хар йили Фонд экспертлари билан тегишли давлатлардаги валюта чекловлари муаммолари тўғрисида маслаҳатлар берилади. Бу давлатларнинг иқтисодиётини инкироз тебранишларидан ҳимоя қилиш мақсадида бундай чекловларни қўллашга мажбур бўлиши билан тушунтирилади.

Валюта чекловлари миллий валютани Халқаро ҳисоб, валюта ва кредит операцияларида ишлатилиши, ҳамда уларнинг хориж валютасига эркин алмашилишини ҳалакит беради. Валюта, агар, эмитент-давлат (ёки ваколатли орган) уни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хориж валютасига алмашинувини чеклаб қўйса, ковертирланмайдиган валюта деб ҳисобланди. Маълум бир иқтисодий ёки сиёсий мақсадларни кўзлаган мақсадда банк ҳисоб ракамларидаги воситаларни эркин тасарруф этишни расмий таъқиқлаш ҳисобни тўсиб қўйиш деб аталади. Бу чора валюта чекловларида ва санкция сифатида бошқа давлатларга, ҳамда суд арзига биноан ҳисоб эгасига нисбатан ишлатилади. Валюта чекловларида ҳисобни тўсиб қўйиш капиталнинг хорижга “қочиши”ни тўхтатишга қаратилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги бошланғич йилларида фақатгина АҚШ ва Швейцария валютани эркин конвертирланиши, яъни тўлов балансининг жорий операциялар бўйича хориж валютасига эркин алмашинувини сақлаб қолиш мажбуриятини олишди. Хусусан, уларнинг валютаси конвертирланиши ҳам резидентлар (ички), ҳам норезидентлар (ташқи) орасида тарқалади. Валютанинг ички конвертирланиши бу давлат

фукуро ва ташкилотларига хорижга тўлов ва хориж валютасини сотиб олиш ҳуқуқини беради. Валютанинг ташқи конвертирланиши эса чет эл фуқоролари ва ташкилотлари учун берилган валютада воситаларни конвертирлаш ва эркин ўтказиш имкониятини беради. Валюта конвертирланиши бу давлатнинг хўжалик муносабатларининг интернационаллашуви товар, хизмат, капитал, валюта бозорларини ўзаро боғлиқлигини талаб қилувчи жаҳон хўжалиги ва Халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашувининг зарур шартидир.

Валютанинг қисман алмашинуви валюта чекловларида ҳам сақланади. Бу резидент ва норезидентлар учун валюта ҳисоблари турли хил режимлари амал қилганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун банк ҳисобларининг дифференцияланган категориялари фарқланади: ички (миллий валютани мамлакат миқёсида ишлатиш билан); икки томонлама ҳукумат келишувлари асосида; тўсилган; конвертирланадиган (тўлиқ ёки қисман). Хориж пул бирлигига оралиқ алмашинув режимидаги валюта қисман конвертирланадиган валюта деб аталади. Бундай ҳолларда, конвертирлаш валюта эгаларининг алоҳида гуруҳига ёки регионал хусусиятга эга бўлади (алоҳида давлатлар гуруҳи билан чекланади, масалан, француз франки гуруҳи зонасида Африка валюталари француз валютасига эркин алмашиналиди).

Ғарбий Европа, Япония валюталари конвертациясини қайта тиклаш муаммоси урушдан кейинги валюта қарама қаршиликлари жамланган фокусга айланди. АҚШ миллий монополиялар экспансиясини қўллаб қувватлаш мақсадида Ғарбий Европа валюталари алмашинувини киритишга қаттиқ уринишарди. Айниқса фунт стерлингнинг алмашинувини тиклаш муаммоси энг катта аҳамиятга эди. АҚШ капиталининг сиқуви остида Буюк Британия 1946 йил АҚШ дан олинган қарз (3,7 млрд. долл.) тўлови сифатида 1947 йил июл ойида фунт стерлингнинг долларга эркин алмашинувини қайта тиклади ва натижада бу локал валюта инкирозига олиб келди. 35 кундан сўнг 1947 йил 21 августда мамлакатда янада ҳам қаттиқрок валюта чекловлари

ўрнатилади. Буюк Британиядаги слбий амалиёт валюта конвертирланишига ўтишнинг шарт-шароитларини яратиш зарурлигидан гувоҳлик беради. АҚШ нинг сикувига карамай Ғарбий Европада мамлакатлари валюта чекловларини фақатгина 1958 йил охиридан бошлаб бекор қила бошлашади. Бу жараён ЕИ да 1992 йилгача давом этади.

Миллий валюта конвертирланишига ўтиш жаҳон амалиёти бу жараённинг тугун муаммоларини яратиш имкониятини беради:

- валюта алмашинувини киритиш вақти ва суратини танлаш;
- кимга – резидентларга ёки норезидентларга ва қандай кетма-кетликда;
- қайси операциялар бўйича – тўлов баланси жорий операциялар бўйича ёки молиявий операциялар бўйича.

Валюта муносабатлари тарихида тегишли таййёргарликларни кўриш чоралари бўйича иккита– валюта конвертирланишига шок ва бокичма босқичўтиш моделлари аниқланган. Биринчи вариант (Туркия, Шарқий Европа, Россия) хориж валютасига талабнинг ўсганлиги учун миллий валюта курсининг тушиши, расмий валюта захираларининг бўшаши билан намоён бўлади. Бундай девальвация импортни қимматлаштиради, бу эса инфляцияни кучайиши ва хориж валютасида ташқи қарзларни ёпишдаги валюта йўқотишлари ошишига олиб келади. Девальвациянинг экспортга рағбатлантирувчи таъсири эса фақатгина рақобатбардош экспорт товарларининг мавжудлигида кўрилади.

Иккинчи вариант, яъни валюта конвертирланишига босқичма босқичўтиш (Ғарбий Европа, Япония амалиёти), миллий ва жаҳон бозорини бир бири билан боғлаш шартларига, хусусан, нарх шаклланиши ва асосларни таййёрлашга асосланганлиги учун шок ўтиш варианты олдида устунликка эга. Валюта алмашинувини киритиш асослари бўлиб: иқтисодиётни барқарорлаштириш, давлат бюджети дефицитини камайтириш, мамлакат ташқи қарзини назорат қилиш, расмий валюта ва олтин захираларини жамғариш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий шароитни барқарорлаштириш.

Иккинчи муаммо – резидентлар ва норезидентлар учун валюта

конвертирланишини киритиш кетма кетлигини аниқлаш. Жахон амалиётидан келиб чиқиб, одатда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка қизиқтириш мақсадида хорижий ҳамкорларга олдин хошиш билдирилади.

Учинчи муаммо валюта алмашинуви киритилаётган операция танловига таълуқли. 1958 йил декабр ойдан, барча иқтисодий объектив асослар яратилгандан сўнг, норезидентлар учун тўлов баланси жорий операциялари бўйича валют чекловларини бекор қилиб, валюта қисман алмашинувини киритишади. Техник олганда бу ўтказма ва эркин конвертирланадиган ҳисобларни бир категория “хорижликлар ташки ҳисоблари” га қўшиб қўйиш орқали амалга оширилди. 1961 йил феврал ойида бу давлатлар резидентлар учун ҳам валюта чекловларини бекор қилишади.

Валюта конвертирланишининг устувор талаби бу – жорий операциялар бўйича валюта чекловларини мавжуд эмаслигидир.

Фақатгина 70-йиллар ўрталаридан босқичма босқич деярли 20 йил давомида маълум бир интерваллар орқали давлатлар молиявий операцияларга ўзларининг валюталари конвертацияларини киритишди. Бу ҳолат, тўғри ва портфел инвестициялар, қимматли қоғозлар билан битимлар, кредит операцияларини ўз ичига олган капиталнинг Халқаро миграцияси товар ва хизматлар ҳаракатидан олдинлаб бориши билан изоҳланади ва бу тўлов баланси ва валюта курсига салмоқли таъсир кўрсатади. Шунинг учун молиявий операциялар бўйича валюта чекловларни бекор қилиш секин ва нотёқис амалга оширилади; вақти вақти билан улар миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш мақсадида қайта тикланади.

Молиявий операциялар бўйича АҚШ валюта чекловлари эволюцияси ҳам қарама қарши тенденциялар чалкашлигида кўрилади 60-йиллар бошларида тўлов балансининг пасайиши ва АҚШ доллари позициясидан келиб чиқиб, капитал олиб чиқилишига қуйидаги шаклларда чекловлар қўйилган эди:

- Капитал олиб чиқилишини чеклаш мақсадида америка қимматбаҳо

қоғозларидан келадиган даромадларга тенглаштириш учун Америка фуқоро ва фирмаларнинг хориж қимматли қоғозларга инвестицияларидан даромадларига “тенглаштирувчи” солиқ (1963 йил). Бу ерда валюта чекловлари солиқ назорати билан кесишади;

- 1976-1978 йил да ХВФ Устави IV моддасига жаҳон валюта системасининг вазифаларидан бири капитал эркин ҳаракатини таъминлашни белгилаган ўзгартириш киритилади. Ямайка валюта системаси (1976-1978йил)га ўтиш билан ўзгартирилган ХВФ Уставига “эркин ишлатиладиган валюта” тушунчаси киритилади, яъни халқаро ҳисоб ва жаҳон валюта бозорларидаги операцияларида кенг ишлатиладиган валюта. ХВФ бўларга СДР валюта сафига кирувчи доллар, марка, иена, фунт стерлинг ва француз франкини киритади.

АҚШ долларнинг обрўсини ошириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида биринчи бўлиб пул, кредит, валюта, молиявий бозорлар либераллаштирилишини олиб боришди. 1974 йилдан АҚШ капитал олиб кетилиши назоратини бекор қилишади ва ҳаттоки доллар позицияси ёмонлашган пайтда ҳам қайта киритишмади. АҚШ ўзларининг савдо ҳамкорлари зарари учун хорижий капиталларни жалб қилиш мақсадида фоиз ставкалар ва доллар курси ўсиши шароитида ҳам фаол равишда капитал ҳаракати либерализациясини амалга оширишди.

Буюк Британияда 1939 йил да киритилган валюта чекловлари босқичма босқич равишда (1958 йил охиридан) асосан 1979 йил охирига келиб тўлиқ бекор қилинади. Америка рақобатига жавобан 80-йилларда “катта лондонча сакраш” амалга оширилган эди: хориж капиталини жалб қилиш мақсадида молиявий бозорни кенг либераллаштириш.

Францияда 1958-1961 йилда франкнинг конвертирланиши киритилишига карамай ананавий равишда халқаро валюта, кредит, молиявий операциялар давлат назорати сақланиб қолинди. Уларни дерегуляциялашга ҳаракатлар (1967 йил, 70-йиллар ва айниқса 1978-1980 йил да) ички ва Халқаро воқеалар кучи туфайли самарасиз бўлади.

Валюта конвертирланишига ўтишининг япон амалиёти ўзининг кучли асос тайёргарлиги, эҳтиёткорлиги ва прагматизми билан ажралиб туради. Урушдан кейинги қаттиқ валюта чекловлари фақатгина 1980 йилга келиб асосан жорий операциялар бўйича бекор қилиниб, молиявий операциялар бўйича сақланиб қолинган эди. Иенада евро облигацияларни чиқариш ва капитал бозорида битимлар тузиш учун молия вазирлиги рухсати зарур. Резидентлар валюта назорати органларига халқаро кредитлар, гаровлар, тўғри хорижий инвестициялар, хорижда қимматли қоғозлар олиб сотуви тўғрисида маълумотларни етказишлари шарт. Молия вазирлиги 20 кун ичида битим шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ўз тавсияларини беради. Япон банкларининг евро-доллар конкордиумларида иштироки ҳам давлат регламентациясидан ўтади. Валюта операциялар либераллаштирилганлигига қарамай япон фирмалари ихтиёран фойдаланувчи захира протекционистик чоралар сақланиб қолинган.

Шундай қилиб, валюта чекловлари бу – умумий иқтисодий ва валюта сиёсатининг таркибидир. Валютанинг конвертациясига ўтилишида кўпгина давлатлар, валюта курси кескин тушишини келтириб чиқарадиган вариантни эмас, барқарорликни таъминлаб берадиган вариантни танлашни маъқул топишди. Секинлик билан ХВФ Устави VIII моддага қўшилган давлатлар сони кенгайиб бормоқда: 1965 йил – 27, 1978 йил – 46, (барча ХВФ аъзолари 1/3 қисми), 1985 йил (апрел) – 69 (40%), 1994 йил (апрел) – 88 (49%), 1999 йил – 147 (80%), шу қаторда Ўзбекистон 1996 йил июндан эътиборан. Бунда ривожланган давлатларнинг бозор механизми рақобат ва валюта операциялари назоратига нисбатан замонавий валюта сиёсати йўналиши кўрилмоқда. Валюта операцияларининг дерегуляцияси кузатув ва статистик-хисоб функциялар учун валюта назорати сақланиши билан уйғунлашмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси замонавий валюта сиёсати

Институционал, тариф ва бошқа тўзилмавий шаклланишларни ўтказгандан сўнг валюта тартибга солишни либераллаштириш ва ХВФ

саккизинчи моддасига қўшилиш зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтиб ўтганларидек: “Ислохотлар иккинчи босқичининг стратегик устуворлиги бу сўмни янада мустахкамлашдир. Унинг ички конвертирланиш, унинг мустахкам валюталарга эркин алмашинувига эришишимиз керак”³.

Сўмнинг тўлиқ конвертирланиши фақатгина жорий операциялар бўйича валюта чекловларни бекор қилиш ва ҳамкорларимиз томонидан сўмга талабнинг пайдо бўлиши ва ўсиши бўлганда эришилиши мумкин. Бу вазифани мустахкам иқтисодиёт ўсишсиз амалга ошириб бўлмайди.

Ўзбекистон етарлича экспорт хажми ва валютаолтин захирларига эга. Солик тартиботи нисбатан мустахкам ва инфляция унчалик катта эмас. Асосий юридик ва институционал тўзилмалар мавжуд, ва хусусий сектор ЯММ да салмокли улушга эга, шунинг учун конвертирланиш жорий операциялар ҳисоби бўйича йўлга қўйилиши мумкин. Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, ХВФ Келишувининг VIII моддасига муҳим тўзилмавий, нарз, институционал ва бошқа муаммолар шароитида қўшилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, айниқса қисқа муддатда. Шунинг учун бу масала эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилади.

Бизга аниқ бўлишича миллий валюта конвертирланишини киритиш куйидаги қадамларни ўз ичига олади:⁴

- кўплилик валюта курсларини бирлаштириш;
- бирлаштирилган валюта курсини асосий хорижий валюта курсига нисбатини аниқлаш;
- валюта режимини танлаш;
- конвертирланиш даражасини танлаш.

Ягона валюта курсини аниқлаш. Шаркий Осий ривожланиши амалиёти шуни кўрсатадики, экспортнинг мустахкам ўсишни таъминлашда миллий валюта алмашинуви рақобатбардошлигини ушлаб туриш ҳаётий

³ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар чуқурлаштириш йўлида. - Н.: Ўзбекистон, 1995. – 246 б.

⁴ Integrating Emerging Market Economies into the International Trading System - Paris: OECD Center for Cooperation with Economies in Transition, 1994, p - 6-24.

заруриятдир.

Тўлов балансидаги кийинчиликлардан кочиш мақсадидамиллий валютани етарлича девалвация қилиш зарур, чунки рақобатбардош валюта курси экспортни ўсишини қўллаб қувватлайди ва импортни чеклаб қўяди. Шунинг учун девалвациянинг ташқи савдо, давлат бюджети, аҳолининг реал пул даромадлари, молиявий сектор ва инфляцияда бўлиши мумкин бўлган оқибатларини кўриб чиқиш керак.

Йирик девалвация инфляция босимни иқтисодиётга таъсирининг рағбатлантириш хавфини ўз ичига олади. Инфляция девалвация сиёсатининг ҳар қандай реал эффектини тўлиқлиғича олиб ташлаши мумкин, чунки у тез-тез инфляция манбаси бўлиб келади. Бундан, девалвация яхшигина пул-кредит ва молия сиёсати билан бирга келиши кераклигини англашимиз мумкин. Лекин, аҳоли даромадларининг кенг индексацияси ва саноат тармоқларининг юқори олигиполизацияланиши амалиёти мавжуд давлатлар бундай сиёсатни қўллашга қодир эмас.

Ўзбекистон ҳолатида шуни айтиш керакки, истеъмол товарларига нархлар маълум бир даражада “қора” бозордаги валюта курси билан аниқланади. Бу валюта алмашинуви девалвацияланган курси билан изохланади. Бу курс – келажакда сўмнинг ягона курсини ўрнатишдаги мўлжал курсдир, чунки сўм курси “қора” бозор чайковчилари харажатларида “таваккал учун рағбат” мавжудлиги туфайли у эркин валюта бозорига нисбатан озгина пастроқ баҳолайди, бу эса экспорт даромадлигини ишлаб чиқарувчилар учун яққол кўрсатади. Шу ўринда, шу алмашинув курси нархларнинг жуда ҳам юқори бўлиб кетишига сабаб бўла олмайди. Лекин, “қора” бозор асосида ягона валюта курсига ўтишда, авваламбор, нон, ун, шакар ва бошқа товарлар нархлари кескин ўсиб катади, шунинг учун бу маҳсулотларни дотация қилиш зарур.

Бундан ташқари Ўзбекистонда девалвация билан боғлиқ қуйидаги оқибатларни кутиш мумкин:

А) муомалада пулга талаб ҳажми ўсиб кетади, бу эса молиявий тизимда

шокларга сабаб бўлиши мумкин;

Б) саноат маҳсулотнинг кўпгина турларига талабнинг камайиб кетиши мумкин, айниқса импорт кўшимча қисмлари катта улушли ПЛИ Лар ишлаб чиқарилишига талаб камайд. Чунки уларнинг нахлари расмий курс конвертацияси киритилиши билан субсидияси тўхтатилади. Шундай ишлаб чиқарувчилар (ЎзДЭУавто, ЎзДЭУ электроникс ва х.к.) учун ишлаб чиқариш қисқартилиши табиий жавоб қайтаришдир. Шунинг учун кўп нарсалар саноатнинг адаптация ва экспортга ишлаб чиқаришни яхшилаб олиш қобилиятига боғлиқдир.⁵

Маълум бўлишича, қисқа муддатда миллий валюта девалвацияси молиявий активлар реал қиймати тушиши туфайли реал боулик даражаси ва харажатларни пасайтиради, ички нархлар даражасини кўтаради, айниқса ташқи бозорда сотиладиган товарларнинг нархлари, ва иқтисодиётда реал иш хакини пасайтиради. Шулар орқали девалвация ички талабни пасайтиради, ва агарда экспорт етарлича ижобий жавоб бермаслигига каттиқ ишонч бўлса, реал курснинг олдинги даражасигача кўтарилиши, умуман иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда тегишли экспорт рағбатларига жавоб берадиган етарлича яширин ва ҳозирги пайтда ишлатилмаётган қувват ва қобилият мавжуд.

Албатта жавоб фақатгина хусусийлаштириш ва экспорт тўсиқларини олиб ташлангандан сўнг берилиши мумкин. Экспорт ва валюта тизимини либераллаштириш экспортга товарлар таклифи томонидан кучли жавоб қайтарилишини таъминлаш учун далаат ёрдами керак бўлади. Енгил саноатда янги қувватларни ташкил этиш – бу тармоқнинг юқорибўлмаган капитал талаб қилиши, инфраструктуранинг мавжудлиги ва квалификацияли меҳнат ресурсларининг кўплигини ҳисобга олсак нисбатан енгил вазифадир.

Валюта режимини танлаш. Фиксирланган алмашинув курси, сузувчи алмашинув курси ва эгилувчан бошқарилувчи алмашинув курслари – валюта

⁵ Trushin Eshref, Uzbekistan: Problems and Prospects of Economic Growth// Report presented on the conference "Unlocking Central Asia" organized by Sasakawa Peace Foundation and Central Asia Institute of the John Hopkins University. - Washington, DC. May 28-29, 1998

алмашинув режимларининг учта асосий алтернативаларидир. Хозирги пайтда Ўзбекистонда фиксирланган алмашинув курси ички нархлар учун “якор” бўла олмайди, чунки инфляция хали юқори ва шунинг учун реал курс ўсишини тўхтатиш мақсадида девальвация тез-тез амалга оширилади. Лекин, фиксирланган алмашинув курсини ушлаб туриш мажбурияти алмашинув курсини барқарорлаштириш учун олиб бориши керак бўлган молиявий ва валюта сиёсатини эгилувчанлигини кескин чеклаб қўяди. Фиксирланган курс одатда қуйидаги барча шартларни каноатлантирадиган давлатлар учун тавсия этилади:

1. Давлат иқтисодиёти катта эмас ва очиқ характерга эга.
2. Давлатнинг савдосининг асосий қисми ўзининг валютасини боғлашни режалаштирган валютаси давлат савдо хамкори (хамкорлар)га тўғри келади.
3. Давлат ўзининг валютасини боғламокчи давлатдаги инфляция даражасига тенг келадиган инфляция суратларини ўтказишга қаратилган макроиқтисодий сиёсатни ўтказиш қобилиятига эга бўлса.
4. Давлат фиксирланган курсни ушлаб туриш мажбуриятига ишончни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий характерга эга чораларни қабул қилишга тайёр⁶.

Бу талаблардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, фиксирланган валюта курси бизнинг республика шароитига қуйидаги ҳолатлар туфайли тўғри келмайди:

1. Ўзбекистон жонланган савдо йўллари чоррахасида жойлашмаган ва ортикча очиқликдан кутиладиган даромадларга эриша олмайди.
2. Ташқи савдо етарлича турлаштирилган.
3. “Хар қандай усул” билан инфляцияни бюджет дефицитини қисқартириш ва пул массасини “сиқиш” каби воситалар орқали барқарор валютага эга Ғарбий давлатларникидек даражасига тушириш давлат

⁶ Уилльямсон Джон. Рекомендации по выбору политики в отношении обменного курса// Документ Института МВФ

инвестицияларнинг кескин тушиши ва реал секторга кредитларнинг айланма воситалар камайганлиги оқибатида камайишига олиб келади. Бу эса қисқа муддатда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш нуктаи назаридан амалга оширилиб бўлмайди.

Хориж валютасига талаб ва таклиф билан ўрнатиладиган эркин сузувчи алмашинув курси экспорт ва савдо учун киритилиши мумкин. Ноаниқлик ўтиш даврига хосдир. Нисбий нархлар ва савдо оқимлари ўзгаришлар миллий валютанинг қадрсизланиши борасидаги таваккалчиликлар ва инфляцион спирал айланишини кўзда тўтади. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо ҳаракати билан боғлиқ миллий валюта сузувчи курси ортикча ўзгарувчилигини тўхтатиб турувчи валюта алмашинув бозори унчалик Ўзбекистон учун катта эмас. Бунақа ўзгарувчанлик эса савдо ва молиявий секторда ортикча ноаниқликни яратади.

Кўринишидан, “бошқарилувчи сўзиш” Ўзбекистон учун энг тўғри келадиган режимдир. Алмашинув курси валюта саватида боғлиқ ўрнатилади: Марказий Банк томонидан ўрнатилган АҚШ доллари, немис маркаси, Россия рубли, турк лираси ва хитой юанига “валюта коридори”. Бундай режим самарадорлиги ички иқтисодий барқарорлик ҳолатига ишонч даражаси ва давлатнинг асосий иқтисодий шароитларда валюта курсининг тезкор коррективировка қобилиятига боғлиқдир.

Конвертирланиш даражасини танлаш. Ўзбекистон ҳозирги даврда капитал ҳисоби бўйича валюта конвертирланиши амалга оширишга таййер эмас ва аҳамиятлича капитал чиқиши ва кириши кўринишидаги нобарқарорлашиши таъсиридан кочиш максидида капитал ҳисоби назоратини амалга ошириши шарт. Маълумки, хусусий капитал ҳаракати узоқ муддатли таваккал ва фойда ҳамда реал инвестицион имкониятлардан кўра унинг фойдалилик юзаси билан рағбатлантирилади. Бундай ҳолларда мамлакатнинг иқтисодий сиёсати ва макроиқтисодий кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли капиталнинг бирданига оқиб кетишини чакирувчи чайковчилик элементи устуворликка эга бўлади. Агар резидентларга халқаро

капитал бозорига киришга рухсат берилса, кўпгина давлатлар амалиёти кўрсатишича, бу хусусий секторнинг қарздорлигининг тез ўсиши ва шу билан кредиторлар олдида давлат иқтисодиётининг уларнинг қайфияти, мамлакат иқтисодиётига ишончи ва хаддан зиёд нохуш оқибатларга боғлиқ кучсизланишига олиб келади. Айнан шунинг учун қисқа муддатли капитал оқими камида ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга давлатлар, айниқса ривожланиш илк босқичларида назоратга олиниши керак.

Капитал ҳисобининг тўлиқ либераллашиши бутун иқтисодиётни либераллаштириш жараёнининг якунловчи босқичи сифатида энг охирида келиши зарур ва фақатгина қуйидагилардан кейингина:

а) реал сектор ва ташқи савдо операцияларининг либераллаштирилиши;
б) молия секторини ривожлантириш, мустахкамлаш ва кейинги босқичма босқич либераллаштирилиши. Шу билан бирга, юқоридаги ҳар бир босқичда шошилиш керак эмас, чунки корхона ва бошқа институтларга ўзгарган шароитга мослашиб олиш, янги ҳолатда яшаб қолиш куникмаларини шакллантириб олишга вақт бериш керак.

2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди.

Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали Марказий банк томонидан сўм алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усули қўлланилди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2012 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 10,5 фоизга пасайиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бир АҚШ доллари 1984,0 сўмни ташкил қилди.

2012 йилда банкларо ички валюта бозоридаги жами операциялар ҳажми 13,7 млрд. АҚШ долларини, шундан Марказий банк операциялари 4,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Сўмнинг АҚШ долларида бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Шунга мувофиқ, 2012 йилда сўмнинг алмашув курси фунт стерлингга нисбатан 14,4 фоизга, еврога нисбатан 11,9 фоизга, япон иенасига нисбатан 2,2 фоизга ва хитой юанига нисбатан 12,2 фоизга пасайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бунинг учун кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлишди. Яъни, номинал ва реал алмашув курсининг яқинлашиши, ҳамда валюта назоратининг мукаммаллашиши натижасида валюта курслари унификациялашувидир.

ХУЛОСА

Ўзининг фаолияти даврида ХВФ асл Универсал ташкилотга айланди, валюта-кредит муносабатларини тартибга солувчи миллий иқтисодиётлар устун асосий орган, Халқаро кредитлашнинг обрўли маркази, давлатлараро кредитлар оқимини тартиблаш ва қарздор-давлатлар тўлай билиш қобилияти кафили сифатида кенг доирада тан олинди. Бир вақтнинг ўзида у Ғарбнинг етакчи “еттилик” давлатлари қарорларини амалга оширишда катта рол ўйнайди, шаклланаётган жаҳон иқтисодиети, Халқаро координация, миллий макроиқтисодий сиёсатларни келиштиришни тартибга солувчи тизимнинг ҳал қилувчи буғини бўлиб келади.

Фонд ўзини фаол ҳаракатланаётган жаҳон валюта институти сифатида тавсия этаяпти, ҳамда шу борада катта ва фойдали амалиёт кўникмаларни йиғиб олди.

Албатта, ҳар қандай халқаро ташкилот каби, ХВФ нафақат ҳамкорлик, балки миллий иқтисодий ва сиёсий манфаатлар рақобат майдонига айланди. АҚШ Фонд сиёсатини монопол равишда белгилашдан маҳрум бўлди. Улар ўзининг ҳаракат чизиғини Ғарбий Европа асосий давлатлари ва Япония билан келиштиришлари шарт. Бир вақтнинг ўзида ХВФда ўзини манфаатларини кўтариб чиқаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ривожланаётган давлатлари таъсири кучаймоқда. СЭВнинг собик аъзо-давлатлари ҳам фаол равишда ўзини кўрсатмоқда. Бундан эса ХВФ доирасида бутун жаҳон ҳамжамияти фойдасига низоли манфаатларни қайта кўриш, ҳисобга олиш ва келишувга олиб келиш самарали механизми, Фондни институтсионал тўзилма сифатида мукаммаллаштириш, ва у томондан дастурий сиёсий ўрнатмалар бажарилишига эҳтиёж туғдиради.

Сўм киритилиши билан уни қадрсизланишига йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикаси МБ қаттиқ реструктурилаш сиёсатни амалга оширди. Бу инфляцияни ушлаб туришга кўмак берди, лекин иқтисодий ўсишни ҳам тўхтатиб турар эди. Бунга Ўзбекистон Республикаси МБнинг

кимматли қоғозлар билан операциялари ҳам кўмак берди. Бундан ташқари, РЕПО бўйича операциялар ҳам фаол ишлатила бошланди.

Сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертирланишининг киритилиши билан очик бозорда операциялар фаолроқ олиб борила бошланди, 2004 йилда уларнинг ҳажми 100 млрд. сўмни ташкил этди. МБнинг ОВЗ ҳам унди, эгилувчан фоиз сиёсати юргизилади ва захира талаблар меъёри ўзгармас 20% да сақланиб қолинди.

Инфляциянинг паст даражаси ва қайта молиялаш ставкаси тушиши иқтисодийнинг реал секторга кредитлар ўсишига олиб келди.

Шунга қарамай курс ва инфляция даражасини қаттиқ тартибга солиш таклифни муайян ушлаб турилишига олиб келди. Бу тартибга солишга нисбатан эгилувчан ёндашув заруриятини туғдирмоқда. Умуман олганда бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатнинг махсус шакли амал қилмоқда.

Асосий девалвацияларни олиб бориш сиёсати реал алмашинув курсининг долларга нисбатан 9,6%га пасайишига олиб келди. 2005 й.да ҳам бу интилиш давом этмоқда.

2005-2006 йилларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш курси давом этмоқда. Бук аттик пул-кредит сиёсатининг ҳам давом этишидан дарак беради. Бу инфляция суратларининг нисбатан паст даражада, 3% атрофида ушлаб туришга ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга имконият беради, унинг тўлаб билиш қобилиятини оширади.

Хорижий савдода шундай курс шакли ва миллий валютанинг чекланган ташқи конвертирланиш шаклланадики, аниқроғи, валютанинг ўзаро чекланган конвертирланиши: сўм-тенга; сом-сўм; сўм-рубл.

Сўмнинг тўлиқ конвертирланишига ўтишида ечиладиган муҳим муаммо бу валюталарнинг реал котиловқасидир. Бу жорий амалиётда нисбатан самаралироқ реал курсни ишлатиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Валюта бошқаруви тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида»ги Қонуни – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси валютаси ички конвертирланишини кенгайтириш борасида келгуси чоралари тўғрисида»ги Қарори 1995 йил 27 июнь.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон - XXI асрга интилган» -Н.: «Ўзбекистон», 1999.
5. Бункина М.К., Семенов А.М. Основы валютных отношений/ М.: Юрайт, 1998.
6. Дж. Мэнвилл Хэррисс. Международные финансы/ М.: 1996.
7. Звонова Е.А. Международное внешнее финансирование в современной экономике/ М.: Экономика, 2002.
8. Кружова В.В. Основы международных валютно-финансовых и кредитных отношений/ М.: ИНФРА, 1998.
9. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебное пособие. I часть. –Т.: Университет, 2003. –275 с.
10. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебное пособие. II часть. –Т.: Университет, 2003. –263 с.
11. Вахабов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2003. – 400 бет.
12. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2011. -708 б.